27 YIL O'zbekiston Respublikasi

# АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№69 (214) 2018 йил 31 август, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 август куни Тошкент вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бекобод шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг 2018 йил 9 январдаги «2018-2020 йилларда «Ўзметкомбинат» АЖни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида комбинатда катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи шулардан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида 60 миллион долларлик лойиҳа асосида замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган ушбу цех ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда корхона ишчи-ходимлари, соҳа мутасаддилари, хорижлик инвесторлар иштирок этди.

Комбинат имкониятларидан унумли фойдаланиш, қўшимча ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, 2-3 йил ичида камида 15-20 минг иш ўрни яратиш керак. Бунинг замирида одамларни рози қилишдек эзгу мақсад мужассам, деди Президентимиз.

Жанубий Кореянинг «Posco Daewoo» компанияси билан ҳамкорликда қурилган янги цехда йилига 25 минг тонна ферросилиций ва ферросиликомарганец ишлаб чиқарилади. Бу билан металл маҳсулотлар тайёрлайдиган тармоқлар талаби тўлиқ қондирилиб, йилига 8 минг тонна ферроқотишмани экспорт қилиш, шу тариқа импортдан воз кечиб, 35 миллион долларни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади. 300 дан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланади.

Президентимиз қуйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди.

Мазкур лойиҳа қиймати 452 миллион доллар бўлиб, унинг амалга оширилиши натижасида 400 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади. Лойиҳа 2020 йилда тўлиқ якунига етказилиб, йилига 1 миллион тонна 2-12 миллиметр қалинликдаги пўлат листлар ишлаб чиқарилади. Бу пўлат листлар импортини камайтириш имконини беради. Йилига 350 миллион доллар тежалади. Шунингдек, янги қурилаётган Тошкент металлургия заводининг асосий хомашёси бўлган иссиқ ҳолатда прокатланган листларга 500 минг тонналик йиллик эҳтиёж тўлиқ қопланади. Қуюв-прокат мажмуасини Италиянинг «Даниели» компанияси барпо этмоқда.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

– Кейинги йилларда комбинатда умуман ўсиш кузатилмаётган эди. Шу боис, ўтган йили уни ташқи бошқарувчига бириктирдик. Натижада ишлаб чиқариш 1,5 баробар ортди. Даромадлари кўпайган комбинат жорий йилда Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 75 миллиард сўм маблағ ажратди, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАҚИДА

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **«Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон**ни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма етти йиллиги байрами арафасида халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларни янада юксак намоён этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ, Фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган **261** нафар фуқаро афв этилди.

Фармонга мувофиқ, **215** нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, **46** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **5** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, **135** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармонга кўра, афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Сизни миллий байрам – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги куни билан самимий муборакбод этаман.

Россияда дўст Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида эришаётган ютуқлар, мамлакатингизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани мамнуният билан эътироф этилмоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик каби эзгу анъаналарга асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилган. Ишончим комил, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, шунингдек, минтақавий масалалар бўйича конструктив ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантирамиз. Бу халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги интилишларимизга ҳамоҳангдир.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик ва муваффақият, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Президент жаноблари!**

Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт соҳаларида юксак эътирофга сазовор улкан ютуқларни қўлга киритди.

Сиз, Жаноби Олийлари раҳбарлигида амалга оширилаётган ва салмоқли натижалар бераётган ислоҳотлар сиёсати алоҳида таҳсинга муносиб.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётида янги ва янада юксак марраларга эришишига ишончим комил.

Мамлакатларимиз 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатганидан буён ишонч ва дўстлик тамойиллари асосида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантираётганидан хурсандман. Сиз, Президент жаноблари билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш учун ўзаро мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикасида ташриф билан бўлишга умид қиламан.

Президент жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасига янада равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Мун Чжэ ИН,**
**Корея Республикаси Президенти**

*(Давоми 2-бетда)*



## Истиқлол яратган бунёдкорлик

Асрий орзу-армонлари ушалган халқнинг бахти ва шодлиги фарзандлар қалбидаги буюк шижоат, миллий ғурур ва ифтихорда намоён бўлмоғи тайин. Бундан 27 йил муқаддам ҳуррият ва озодлик ҳавосидан баҳраманд бўлган халқимиз илк кунлардан Ватанимиз, она юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларини обод қилишга бел боғлаб, бунёдкорликни беқиёс жараёнга айлантирди. Шу даврда амалга ошган асрларга менгзагулик ишлар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди. Ва бу жараённи бутун жаҳон эътироф этиб келаётир.

**УШАЛГАН АРМОНЛАР**

Мустақиллик 130 йилдан кўпроқ давр мобайнида аввал чоризм, сўнгра қизил империя оёғи остида топталган Ўзбекистонни нафақат сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақилликка олиб чиқди, айни чоғда, мамлакат истиқлол шарофати билан буюк аждодлардан мерос маънавий қадриятларини тиклашга, уларни асрлар чанг-ғуборидан пойлашга, миллий тил ва маданиятини, адабиёт ва санъатини равнақ топтиришга, миллатнинг сохталаштирилган тарихини асл ҳолида тиклашга муваффақ бўлди.

Мустақиллик замонидаги миллий тараққиётимизнинг иккинчи чорак асри бошланганига икки йил тўляпти. Ана шу икки йил мобайнида амалга ошган қайта қуриш ва бунёдкорлик жабҳаси ўтган чорак асрда рўёбга чиқарилган ишларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаб, Ўзбекистонда ҳали ишга солинмаган беқиёс имкониятлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Айни чоғда бутун жаҳоннинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши, ишонч ва эътиборини оширди.

Бу ҳақиқатни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва унинг ҳаётбахш самараси халқаро кўламда қизғин эътироф этилаётганидан ҳам билиш мумкин.

*(Давоми 5-бетда)*

Кейинги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун имкониятларни янада кенгайтириш мақсадида кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар мавжуд муаммоларга бутунлай барҳам бермоқда.



# ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқариш, Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалиги, Бўка туманида пахта-текстиль кластерларини ташкил этиш, Қуйи Чирчиқ туманида канопчилик соҳасини қайта тиклаш ва ривожлантириш, Оҳангарон туманида замонавий гидропоник иссиқхона очиш каби қатор лойиҳалар режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил 18 август куни Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш таклифини илгари сурган эди.

Ўтган бир йилда Бекободда салмоқли ишлар амалга оширилди. 90 мингдан зиёд одам истиқомат қиладиган шаҳарда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қоплаш мақсадида бешта етти қаватли уй қуриб битказилмоқда. Яна бешта шундай турар-жой қурилиши бошланиш арафасида. Улар йил охиригача ўз эгаларига топширилади. Уйлар атрофига болалар ўйин майдончалари, автомобиллар сақлаш жойлари, замонавий савдо шохобчалари қуриш ҳам режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан ушбу янги массивга «Мустақилликнинг 27 йиллиги» деб ном берилди.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, уларни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан табриклади.

– Бир йил олдин Бекободга келиб, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор режалар белгилаб олган эдик. Бугунги учрашувимизда ўша режаларнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзламоқчиман, – деди давлатимиз раҳбари. – Бекободда шу пайтгача иссиқ сув йўқ эди, ичимлик суви сифати ёмонлигидан кейинги 10 йилда касалликлар кўпайган, ишсизлик ортганди. Бугун шаҳарга йирик инвестициялар жалб этиляпти, янги иш ўринлари яратиляпти. Йўлсозлик, электр энергияси ва газ таъминоти, томларни таъмирлашга эътибор қаратила бошланди. Тошкент ва Бекобод шаҳарлари оралиғида электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Биз бу ишлар кўламини янада кенгайтирамиз.

Бекободликлар бундай эътибор туфайли шаҳар янги қиёфа касб этгани, одамларнинг фикри, кайфияти ўзгарганини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, жорий йилда Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Нурафшон шаҳарларида 2604 хонадондан иборат 62 кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Оҳангарон шаҳридаги Амир Темур кўчасини реконструкция қилиш, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманлари ҳудудидан ўтувчи ҳамда Тошкент – Бекобод ва Тошкент – Сирдарё автомобиль йўллари бўйлаб намунавий уйлар қуриш, вилоятда ичимлик сув тизимини такомиллаштириш, кўмир, технологик чиқинди, минерал руда ва биомассани майдалаш, қуритиш ва сепарация қилиш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Бекобод туманидаги «Юсупов Ғофуржон файз» фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини оширадиган ва юқори ҳосил олишни таъминлайдиган деҳқончилик тизими жорий этилмоқда. Экинларни белгиланган меъёрлар асосида суғориш, озиқлантириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали курашиш, уруғ ва ресурслар сарфини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғаллачилик ва пахтачиликнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўналишидаги селекция ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш чоралари кўрилаётир.

Пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган мазкур фермер хўжалигининг умумий ер майдони 78,6 гектарни ташкил этади. Жорий йилда хўжалик раҳбари Ғофуржон Юсупов 31,1 гектар майдонга ғалла экиб, гектаридан 71 центнердан ошириб ҳосил олди. Соф фойда – 80 миллион сўм. 47,5 гектар ерга ғўза экилган. Ундан ҳам 35 центнердан ошириб ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Фермер 13,5 тонна мош ва 7,5 тонна ловияни экспорт қилиш, ички бозор учун 60 тонна картошка ва 45 тонна сабзи етиштириш бўйича шартномалар тузган. Хўжаликда 35 ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизнинг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан. Истиқболли, серҳосил пахта навларини яратиш, ғўзани қўшқатор экиш фермер даромадини оширади. Фермер далага чиқдими, меҳнати самарасидан уй, машина олсин, фарзандларини ўқитсин, уйли-жойли қилсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, бу бўйича хориж тажрибасини ўрганиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган йирик саноат корхоналари иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилаётган Тошкент металлургия заводи шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона қурилиши билан танишди.

Лойиҳа қиймати 286,7 миллион евролик мазкур корхонага хорижда ишлаб чиқарилган илғор ва замонавий ускуналар келтирилади. Корхонада автомобиль кузовлари ва маиший техника учун металл листлар, металл черепицалар, профнастил тайёрланади. Корхона тўлиқ қувватда ишга туширилгач, йилига 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. 700 га яқин иш ўрни яратилади.

Президентимиз 2017 йил февраль ойида ушбу корхона қурилиши лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Заводнинг металл конструкцияси қуриб битказилди.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди, заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутадиган ўрни ҳақида тўхталар экан, бу ерда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Президент жаноблари!**

Ўз номимдан ва бутун Франция халқи номидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги куни билан Сизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилашдан бағоят мамнунман.

Кўп йиллар давомида ҳамкор бўлиб келаётган Франция ва Ўзбекистон муносабатлари янада ривожланиб бораётганини олқишлайман. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми ортаётгани ва стратегик ҳамкорлигимиз диверсификация қилинаётгани баробарида жорий йилда сиёсий мулоқотимиз янада мустаҳкамланади. Париж шаҳрига бўлажак расмий ташрифингиз давомида Сиз билан учрашувимизни катта мамнуният билан кутяпман.

Ушбу ташриф олдидан икки томонлама кўплаб муҳим учрашувлар, жумладан, 20 июль куни савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлиси ўтказилди. Бўлажак олий даражадаги музокаралар ўзаро муносабатларимизни фаоллаштириш ва янада диверсификация қилиш йўлларини муҳокама этиш учун яхши имконият бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатингизнинг Франция учун муҳим бўлган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси билан қутлашга ижозат бергайсиз.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Эммануэль МАКРОН,**
**Франция Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини дўст Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан муборакбод этиб, Сизга халқингиз орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад тилайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни муштарак манфаатлар йўлида барча соҳаларда мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлашимни таъкидлайман.

Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига янада тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром билан,

**Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**

**Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:**

Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**

Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда**

Португалия Республикаси Президенти **Марсело Ребело де Соуза**

Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан**

Украина Президенти **Пётр Порошенко**

Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири
**Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти **Буннянг Ворачит**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири,
Дубай Амирлиги ҳокими
**шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури амалда

# 2019 йилда қанча қишлоқ ободонлаштирилади?

Иқтисодиёт вазирлигида «Обод қишлоқ» дастурининг ижроси ва истиқболдаги вазифалар мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Иқтисодиёт, Молия, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Давлат автомобиль йўллари қўмитаси, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари иштирок этди.

«Обод қишлоқ» дастурининг ижроси илк бор Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида ўз амалий ифодасини топди. Манас бор-йўғи 45 кунда тубдан янгиланиб, файзли масканга айлантирилди. Эндиликда Манас тажрибаси асосида республикадаги барча қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва иқтисодий-ижтимоий муҳитни тубдан яхшилашга эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда «Обод қишлоқ» дастури бўйича 416 қишлоқда ишлар жадал амалга оширилмоқда. Дастурга киритилган барча қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ишлаб чиқилди. Қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш учун биринчи навбатда, уй-жойларни таъмирлаш ва тартибга келтириш талаб этилади. Жумладан, 263 мингта уй-жой тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг 132,4 мингтаси таъмирталаб аҳволда эканлиги аниқланди.

Дастур доирасида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 2 минг километр ичимлик суви тармоқлари ва 17,9 мингта оқава сув хандақларида таъмирлаш-тиклаш, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 3 минг 971 километр паст кучланишли тармоқлар ва 2 минг 384 дона трансформатор пунктларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда.

Табиий ҳамда суюлтирилган газ таъминотини яхшилаш бўйича 417 километр газ қувурларини таъмирлаш, 374 километр газ қувурларини босим остида синаш ва 198 километр тармоқларнинг техник ҳолатини махсус ускуналар ёрдамида диагностикадан ўтказиш белгилаб олинди. Бугунги кунга қадар, ушбу тадбирлар доирасида 674 километр газ қувурлари таъмирланди, 352 километр газ қувурлари махсус приборлар ёрдамида диагностикадан ўтказилди ва 1 минг 720 дона газ тақсимлаш пунктлари техник кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, суюлтирилган газ таъминотидаги қишлоқларга 48 минг дона газ баллонлар тарқатиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 55 минг дона етказиб берилди.

2 минг 589 километр йўлларни таъмирлаш, жумладан, 5 километр йўлда капитал таъмирлаш ва 2 минг 584 километр йўлларда жорий таъмирлаш ишлари бажарилади. Бунда, мавжуд асфальт-бетон қопламали йўллар жорий таъмирланади ҳамда тупроқ йўллар шағал йўлларга ўтказилади. Бугунги кунга қадар ушбу тадбирлар доирасида 1 минг 469 километр автомобиль йўллари жорий таъмирланди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳаси тайёрланди. Кейинги йилда мамлакатимизнинг ҳар бир туманида 3 тадан қишлоқ танлаб олиш белгиланган. Дастлабки манзилли руйхатга кўра, 2019 йилда 159 тумандаги 477 қишлоқда қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу қишлоқларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари жорий йилнинг 1 октябридан бошланиши кўзда тутилмоқда ва барча зарурий ташкилий масалалар қарор билан белигиланган.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# Муқаддас қадамжо янада обод бўлмоқда

Муқаддас қадамжолар, азиз авлиё ва алломалар мангу қўним топган масканларни обод қилиш азалий қадриятларимиздан. Бундай хайрли тадбирлар Наманган вилоятида ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда.

Чортоқ тумани ҳудудда ўрта асрларга оид «Оқёртепа» археологик ёдгорлиги, Султон Саид Увайс Қараний қабри ҳамда «Сутли булоқ» зиёратгоҳи жойлашган.

Ривоятларга кўра, Султон Саид Увайс Қараний онаси Бибироҳат ая билан шу жойларда ёлғиз яшаган. Онасини ювинтириш учун сув излаган авлиё ўз ҳассасини ерга уради. Сўнг, шу жойдан сутли булоқ чиқа бошлайди. Булоқнинг суви ўта тиниқ ва ширин бўлиб, қуйи қисми ариқ шаклида. Мўъжизавий хусусияти шундаки, булоқ суви жума кунлари эрта саҳарда оппоқ тус олиб, сут таъмини беради. Яна ҳайратланарлиси, ҳар жума булоқда балиқлар ўз-ўзидан кўринмай қолади. Сиру синоатга бой маскандан доим зиёратчилар кети узилмайди.

Айни пайтда ҳудудда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларининг пардозлаш жараёни якунланмоқда. Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида бу ерда 200 кишилик янги масжид ишга туширилади.

**Суратда:** муқаддас қадамжода.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Бир кунда нечта фуқарога давлат хизматлари кўрсатилмоқда?

Илгари тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаро ойлаб, йиллаб сарсон бўлгани сир эмас. Бунга тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш учун жуда кўп ҳужжат талаб қилингани, турли идораларга қатнаш, соатлаб навбат кутишга тўғри келиши асосий сабаб эди. Оқибатда бошлаган ишини охирига етказмай ташлаб кетганлар ҳам кўп бўларди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун имкониятларни янада кенгайтириш мақсадида кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар бу борадаги муаммоларга бутунлай барҳам бермоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!» деган тамойил инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида алоҳида устуворлик касб этмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги, унинг шаҳар ва туман марказлари ташкил этилгани демократик ислоҳотлар йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Авваллари «Ягона дарча» марказлари фақат тадбиркорларга хизмат кўрсатган бўлса, 2018 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари марказлари аҳолига ҳам хизмат тақдим этиши белгилаб қўйилди. Эндиликда Халқ қабулхоналари билан бир жойда фаолият олиб борадиган давлат хизматлари марказларида жисмоний ва юридик шахсларга тез, қулай, шаффоф давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат хизматлари кўрсатиш марказларининг моддий-техник базасини яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари тизим фаолиятини самарали йўлга қўйишда муҳим омил бўлди. Масалан, Наманган шаҳар давлат хизматлари марказига «Карбонам» МЧЖ тасарруфидаги фойдаланилмай турган тўрт қаватли бино берилди. Бу ерда лойиҳа қиймати 15 миллиард сўмдан зиёд реконструкция ва жиҳозлаш ишлари бажарилди. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан 5 миллиард сўмдан ортиқ энг сўнгги русумдаги оргтехника жиҳозлари билан таъминланди.

Марказда мурожаатчиларнинг навбат кутиб қолиши ва бошқа муаммоларнинг олдини олиш мақсадида энг замонавий электрон навбат тизими жорий этилган бўлиб, кунига 800-1000 нафар фуқаро ва тадбиркорга 80 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Бу ерда Халқ қабулхонаси, нотариус, ФҲДЁ, паспорт бўлимлари, суғурта, кадастр, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, тез тиббий ёрдам хизматлари, банк шохобчаси жойлашган. Мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида биринчи қаватда болалар майдончаси ҳамда кафе фаолияти йўлга қўйилган.

Давлат хизматлари марказининг асосий вазифаларидан бири этиб олис қишлоқларда, марказдан узоқда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, аҳолига сайёр давлат хизматлари кўрсатиш ва сайёр қабуллар ташкил этиш белгиланган. Бу борада ҳам тегишли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан 12 туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари «Дамас» автомашинаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан битта «Исузу» автобуси билан таъминланди. Автобус энг замонавий компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, шунингдек, кўчма сайёр банк кассаси ва панелли қуёш батареялари билан жиҳозланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида барча маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиб келинаётган давлат хизматлари, унинг афзалликлари, аҳоли учун яратилаётган зарур шароитлар хусусида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Аҳоли гавжум жойлар, бозор ва савдо комплексларида, марказий чорраҳаларда 50 дан ортиқ ижтимоий баннер ва плакатлар ўрнатилди.

Вилоят давлат хизматлари бошқармаси масъул ходимлари, нотариал идора ва ФҲДЁ органлари билан биргаликда 100 дан ортиқ жойда сайёр қабул ташкил этилди. Унда 2 мингдан ортиқ фуқаро қабул қилиниб, ҳуқуқий тушунтириш берилди. 300 дан зиёд жисмоний ва юридик шахсларга жойида амалий ёрдам кўрсатилди. 500 дан ортиқ кексалар, ижтимоий кўмакка муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахсларга фуқаролик паспортини алмаштириш бўйича сайёр давлат хизматлари кўрсатилди.



Жорий йилнинг 1 июнидан синов тариқасида қўшимча тарзда 31 йўналишда давлат хизматлари кўрсатиш жорий қилинди. Туғилганлик ва ўлимни қайд этиш, ФҲДЁ ва нотариал муассасалар томонидан архив ҳужжатлари бериш, Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш, судланмаганлик ҳақида маълумотлар, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш, ишсизлик нафақасини тайинлаш, жисмоний шахсларга СТИР рақамини бериш кабилар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида марказ томонидан 5 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. 50 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсга давлат хизматлари кўрсатилишига эришилди. Бу давлат хизматлари кўрсатиш ўтган йилга нисбатан 5 баробар ошганини тасдиқлайди.

**Акромжон АКРОМОВ,**
**Наманган шаҳар давлат хизматлари маркази директори.**
**ЎзА**





# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИК МЧЖ жамоаси

*жаннатмонанд диёримиз аҳлини, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан озод юртимизни янада обод қилаётган бунёдкорларни энг улуғ, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллик шодиёнаси билан самимий муборакбод этади. Дунё аҳлини лол қолдираётган обод юртимиз бундан-да чирой очиб, унинг тинчлиги ва осудалигига асло кўз тегмасин!*




## «ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ
### Бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси

*жонажон Ватанимиз ободлиги ҳамда ривожига муносиб ҳисса қўшаётган меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни, қурилиш соҳаси ходимларини мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Озод ва обод юртимизнинг равнақи йўлида қилаётган фидокорона меҳнатингизда барчангизга куч-қувват тилаймиз.*





## QISHLOQQURILISHBANK

*Барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаймиз.*



**ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, ҚУЙИДАГИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:**

**"Инсон манфаати"**

**– омонат муддати -13 ойдан 30 ойгача, фоиз ставкаси - йилига 16 %.**

**"Яхши ният"**

**– омонат муддати - 3 ойдан 13 ойгача, фоиз ставкаси - йилига 14 %.**

*Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларни кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*"Қишлоққурилишбанк" – фаровон ҳаётингиз хизматида!*

(+99871) 150-72-58, 150-93-39 www.qqb.uz

Гўзал ва бетакрор Ватанимиз ҳамиша тинч, меҳнатсевар, меҳмондўст халқимиз омон бўлсин!



# «ЎЗШАҲАРСОЗЛИКЛИТИ»

## ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан самимий табриклайди. Ушбу айём барчанинг хонадонига файзу барака, қалбларга қувонч ва шодлик олиб келсин! Гўзал ва бетакрор Ватанимиз ҳамиша тинч, меҳнатсевар, меҳмондўст халқимиз омон бўлсин!*



# БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

## жамоаси

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги билан қурилиш соҳаси ишчи-ходимларини, барча ватандошларимизни табриклайди. Ушбу айём барчамизнинг хонадонимизга файзу барака, қалбларимизга қувонч ва шодлик олиб келсин! Гўзал ва бетакрор Ватанимиз ҳамиша тинч, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқимиз омон бўлсин!*



# «ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ» ДУК ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ

## жамоаси

*барча ҳамюртларимизни қутлуғ айём – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги билан табриклайди. Дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга эга бўлган мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришни ўз олдига олий мақсад қилган жонкуяр ватандошларимиз қалбидаги қайноқ ўт ҳеч қачон сўнмасин!*



АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



# «ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ» ДУК ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

## жамоаси

*ўз касбига садоқатли ва фидойи бунёдкорлар, муҳандису меъморларни, барча ватандошларимизни – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллиги билан чин дилдан табриклайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.*







# Истиқлол яратган бунёдкорлик

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

* * *

Истиқлолдан аввалги давр билан бугунги замон ҳақиқатларини қиёслаш учун мустақилликдан атиги икки йил аввал чоп этилган бир мақоладаги қайдларга эътибор берайлик. Машҳур адабиётшунос олим Бегали Қосимов *«Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасининг 1989 йил 5 августдаги сонида чоп этилган* **«Янгича тафаккур: изланишлар, машаққатлар»** *сарлавҳали мақоласида куйиниб шундай ёзган эди:* «Энгельс XVI асрда Германияда майдонга келган «Худо – бизнинг паноҳимиз!» деган қўшиқни «XVI асрнинг Марсельезаси» деб атайди. Бизчи?! Биз ўтмиш шоирларидан салкам худосизликни талаб қилиб келдик. Илоҳиётнинг аксарият мақсад эмас, восита бўлганини тан олишни истамадик... Натижа шу бўлиб турибдики, Яссавий, Ҳаким ота, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Садоий, Мажзуб Намангоний, Ҳазиний, Сарёмий сингари шоирларимиз ҳалига қадар ўз баҳосини ололмай келади. Баҳо нимаси, уларни иложи борича, халқдан узоқроқ тутишга уринамиз. Сабаби «Худо»си бор ҳар қандай асардан чўчиб қолганмиз...».

Бугун биргина пойтахт Тошкентнинг ўзида ўнлаб йирик масжидлар фаолият олиб бораётгани, қанчадан-қанча масжидлар, «Ислом цивилизацияси маркази» каби муассасалар қурилаётгани, мамлакат ҳудудларидаги ислом дини ва халқимизнинг муқаддас хотираси билан боғлиқ обидалар, улуғ авлиёуллоҳ боболаримиз ёдгорликлари обод қилингани ва кўрган кўзларни қувонтирадиган даражада мажмуалар тарзида қайтадан қурилганини, Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаб, минг-минглаб юртдошларимиз Ҳаж ҳамда Умра зиёратига бориб келаётганини ўйласак, атоқли олимимиз куюниб ёзган даврларда мустабид тузум бизни буюк ўтмишимиз, муқаддас динимиз ва имон-эътиқодга асосланган бой маданиятимиз, маънавиятимиздан айириб, эндиги авлодларни манқуртга айлантиришга қанчалар жон-жаҳди билан уринганини англаб оламиз.

Ёки бошқа бир қиёсни олайлик. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 10 август куни пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрди. Боғни замонавий паркка айлантиришга доир яратилган янги лойиҳалар билан танишиб, боғ марказида Абдулла Қодирийнинг муҳташам ҳайкалини ўрнатиш, бу ерда адиб яшаган даврни акс эттирадиган ўзига хос муҳит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳа, шундай. Биз ўзбек романчилик мактаби асосчиси, биринчи ўзбек романчиси, атоқли адибимизга бўлган халқимизнинг буюк эҳтироми ва меҳр-муҳаббатини мана энди – мустақиллик шарофати билан тўкис даражада намоён этмоқдамиз. Ҳолбуки, мустабид тузум даврида нафақат бу адибнинг ёзганларини ўқиш ман этилган, китоблари кутубхоналардан йиғиштириб олинган, ҳатто адибнинг асарларини топиб ўқиганлар таъқиб қилинганди. Ёзувчининг ўзи эса, 1937-1938 йилларда қатағон қурбонларидан бири сифатида минглаб миллат фидойилари сингари отиб ўлдирилган эди.

Абдулла Қодирий бирор асарида ҳеч кимни ғайри инсоний курашга чорламаган, фақат халқининг ўтмиш тарихидан ажойиб асарлар ёзган эди. Бундай асарларни ўқиганларнинг маънавий савияси ошар эди, буюк аждодларини танир эди ва бўйнидаги бўйинтуруқ – қуллик кишанларини итқитиб ташлашга ўзида куч топар эди. Мустабид тузум пешволарига эса, ўзлигини таниган, ҳур фикрли одамлар умуман керак эмас эди. Уларга саёз ўйлайдиган, оёғи остидан нарини кўрмайдиган «пахта қуллари» керак эди. Амир Темурдек буюк салтанат тузган, жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган аждодларини танимайдиган, тарихни сохталаштириб буюк боболарини ўғрию қароқчига чиқарса ҳам индамай, бўйин товламай турадиган манқуртлар керак эди. Биздан шунга кўниб яшаш талаб қилинар, бўйин товлаганлар отилар, осилар, сургун қилинарди...

1991 йилнинг 31 августида эълон қилинган миллий мустақиллик мустабид тузумнинг шу сингари барча кирдикорларига сўнгги нуқта қўйди. Мамлакатимиз ўз миллий армияси ва қуролли кучларини шакллантириб, ҳудудларини ўзи қўриқлай оладиган даражага етди. Ғоят қисқа муддатларда мамлакат ғалла ва энергетика мустақиллигига эришди. Ягона темир йўл тизими барпо этилди. Автомобилсозлик ва нефть-газ саноати муттасил ривож топди. Ўнлаб қўшма корхоналар Ўзбекистоннинг индустриал потенциалини намоён этиб, миллий саноатнинг гуркираб ўсишига, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга пухта замин ва пойдевор бўлди.

Қурилиш ва бунёдкорлик жабҳаси эса бугунги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози – чинакам тимсолига айланди.

## АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ғоят секин ва юзаки тарзда бўлса-да аввалари ҳам бўлган. Бироқ бугунги қурилишлар билан аввалги қурилишлар жараёни ер билан осмонча фарқ қилади. Масалан, ўтган асрнинг 66-йили иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкентда юз берган зилзила туфайли шаҳарнинг ер силкинишида тутдай тўкилиб, вайрон бўлган маҳаллалари ўрнида янги уй-жойлар қурилди. Янги мавзелар тиклана бошлади. Бироқ бу уйларга кўчиб ўтганлар қишда лой, ёзда чанг кўчалардан безор бўлиб кетарди. Болалар майдончалари жиҳозланмаганни катта ноқулайлик туғдирарди. Бунинг устига, ўша уйларни қургани келганларнинг аксарияти «нон шаҳри»дан кетгилари келмай, ўзлари ёрдам тариқасида қуриб берган уйларига кириб яшай бошлагани ҳам, Тошкент аҳолиси бирданига икки миллионга яқинлашиб қолгани ҳам айни ҳақиқат эди.

Ўша даврда қурилган уйларда ҳозир ҳам одамлар истиқомат қилаётир. Ташқи ва ички қиёфаси кўримсиз, тор ва шифти паст бу уйларда тиқилиб яшаётганлар эндиликда Сергели даҳасида қурилган замонавий лойиҳадаги уйларга кўчиб ўтишаётир.

Аввало, ўша турар жойларнинг ичини ҳали кириб кўрмасдан ҳовлидаги болалар майдончаси, мавзега катта кўчадан ўтиб бориладиган йўллар манзарасига, яратилган ободлик ва гўзалликка боқиб, «Наҳотки, шундай уйларда яшашга муваффақ бўлдик?!» деб ҳайратдан ёқа ушлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Бундай чиройли уйларни собиқ мустабид тузум бизнинг халқимизга раво кўрмаган эди. «Буларга бўлаверади» деган ғайри қараш мавжуд эди. Бу ҳам эндиги ёш авлоднинг мустақиллик неъматининг қадрига етиб яшаши, ўз юртига эгалик нақадар катта имконият яратишини англаб олиши учун зарур сабоқ. Барча янги қурилишларимиз – у турар жой мавзелари ёхуд замонавий қишлоқларми, Тошкентнинг ер усти метро ҳалқа йўли ёки тўйхоналар, истироҳат боғлари, исломий мажмуалар, спорт ва маданият иншоотлари, йўл ва кўприклар ёхуд «шаҳар ичидаги шаҳар»



услубидаги замонавий «сити қўрғонлар» бўладими – ҳаммасида ўз Ватанининг эгаси бўлиш бахти уфуриб турибди.

*Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз бардавом бўлиб, ҳар бир ватандошимизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват ва омад ёр бўлишини тилаймиз.*

*Хонадонингиздан тотувлик, файзу барака, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин!*



*Истиқлол айёми муборак бўлсин!*

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*барча ҳамюртларимизни, қурувчиларни ҳамда мамлакатимиз бунёдкорлик жараёнларига сифатли қурилиш маҳсулотларини етказиб бераётган ишлаб чиқарувчиларни*

***Истиқлол айёми***

*билан самимий муборакбод этади. Барчангизга бахту омад ёр бўлишини ҳамда чирой очиб бораётган диёримизнинг бундан-да равнақ топиши йўлида меҳнатсевар халқимизга тани сиҳатлик, куч-қувват тилаймиз.*

***Байрамингиз муборак, азиз ватандошлар!***









## «Мустақиллик» кроссворди



**ЭНИГА:** 1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги асосчиси – ... Каримов. 4. Ватан, ўлка. 6. Металлдан ясалган пул. 9. Хурсандчилик ҳайқириғи. 10. Мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи азим дарёнинг қисқартирилган номи. 11. Миналанган майдонни тозалаш билан шуғулланувчи ҳарбий. 12. Балиқ тури. 13. Жаннат боғи. 14. Зотдор. 18. Фарғона вилоятидаги туман. 22. Аёллар исми. 25. Авлод, фарзанд. 28. Шеър мулки султонининг исми. 29. Мустасно, ташқари сўзларининг синоними. 32. АҚШ ва Канада чегарасида жойлашган буюк кўллардан бири. 35. «...дан товуш» (Абдулла Қаҳҳор асари). 38. Соҳибқирон ... Темур. 40. Жазо тури. 43. Кўйлак қисми. 44. Кўрсатиш олмоши. 45. Тўйдан олдин келин томонга бериладиган пул. 46. Чумчуқдан қўрққан ... экмас (мақол). 47. Эркин Воҳидов қаламига мансуб достон. 48. Мустақил юртимиз пойтахти. 49. Эркаклар исми.

**БЎЙИГА:** 1. 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва ... манфаатлари йили. 2. Боливиянинг энг катта шаҳри. 3. Ўзбекистон халқ артисти ... Ражабов. 4. Сенегал пойтахти. 5. Шахматда тез ўйнаш услуби. 6. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 7. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида барпо этилаётган янги турар жой мавзеси. 8. Автомобилсозлар шаҳри. 15. Тўти тури. 16. Болгария пул бирлиги. 17. Ўзбек тилида чоп этилган илк журнал. 19. Узоқ Шарқдаги дарё. 20. Тоғдаги туйнук. 21. Муғомбирлик, айёрлик. 22. Қари билганни ... билмас (мақол). 23. Авиация тарихида катта бурилиш ясаган ака-укалар. 24. Телефон суҳбатида энг кўп фойдаланиладиган сўз. 25. Кириш сўзи. 26. Қадимги Юнон мифологиясида Дедалнинг ўғли. 27. Уч кишидан иборат гуруҳ. 30. Хитойлик таниқли сиёсатчи Дэн ...пин . 31. «...-152» – Иккинчи жаҳон уруши давридаги оғир артиллерия машинаси русуми. 33. Ҳасан Ҳусанларнинг Ҳасани. 34. ...-ишора. 35. Сабр-бардош. 36. Ёстиқнинг «қариндоши». 37. Қозоғистон пул бирлиги. 38. Махсус ходим. 39. Россияга экспорт қилинаётган автомобилларимизга берилган янги ном. 40. Осиёдаги давлат. 41. Эртакдаги Ильянинг туғилган жойи. 42. Фарғона водийсидаги йирик шаҳарлардан бири.

Тузувчи Шуҳрат ХЎЖАЕВ.



Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида республикамиз ҳудудларида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, шунингдек турли соҳа вакилларига янги уйларнинг калитлари топширилди.



# Қалбларни қувонтирган байрам шукуҳи

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида республикамиз ҳудудларида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, шунингдек бошқаларга янги уйларнинг калитлари топширилди.

Нукус шаҳрида эҳтижёманд 42 оила ҳам ана шундай бахтга муяссар бўлишди.



Ана шу қувончли воқеага бағишланган тадбирда маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хонадон соҳиблари ва уларнинг яқинлари иштирок этди.

– Уй-жой сифатида фойдаланишга топширилган мазкур бино аввал Нукус халқаро аэропортининг меҳмонхонаси бўлган, – дейди Нукус шаҳар ҳокими Парахат Торешов. – Иншоот кўп йиллардан буён қаровсиз қолган эди. Бу ерда кенг кўламли қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Яшаш учун барча шароит яратилди. Кам таъминланган, ногирон ёки боқувчисини йўқотган, уй-жойга эга бўлмаган фуқароларга ёрдам тариқасида бепул берилди. Янги уйларга эга бўлган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати Нукус шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилди.

Қарийб бир ой давом этган таъмирлаш ишлари натижасида бино томига янги шифер ётқизилиб, ичкарисида пардозлаш ишлари олиб борилди. Янги эшик-ромлар ўрнатилди. Электр энергияси, сув, газ тармоқлари тўлиқ қайта уланди. Ҳар бир хонадон алоҳида сув иситиш тизими билан таъминланди. Ҳовлида ўриндиқлар қўйилиб, болалар майдончаси ташкил этилди.

– Кўп йиллардан буён икки фарзандим билан ижарада яшардим, – дейди янги уйга кўчиб ўтган Элмира Абсаметова. – Болаларимдан бири ногирон, шунинг учун ишга ҳам чиқа олмасдим. Бунинг оқибатида етишмовчилик юзага келарди. Уй олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман. Давлатимиздан миннатдорман. Биздек муҳтожларга бепул уй-жой қилиб берди. Тўғрисини айтсам, ҳеч қандай тўловларсиз янги уйга эга бўлганимга ҳозир ҳам ишона олмаяпман. Бундай эзгу ишлар бошида турган барча инсонларга чин юракдан раҳматлар айтаман.

Жиззах шаҳрида ҳам 25 нафар оила янги уй-жойларга кўчиб ўтди. Бу хайрли иш учун бўш турган бино тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий турар жойга айлантирилди.



Уйининг топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хонадон соҳиблари ва уларнинг яқинлари иштирок этди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар замирида халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват ва саховатпешалик каби олижаноб фазилатлар мужассам. Бу халқпарварлик тамойили энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами арафасида янада яққол намоён бўлмоқда.

– Жисмоний имкониятим чеклангани боис бошқалар қатори меҳнат қилиб, маблағ жамғариш ҳақида ўйлай олмадим, – дейди янги хонадон соҳибларидан бири Рустам Болибеков. – Уй қуриш ёки сотиб олишга имкониятинг йўқлиги, оиланг билан ижарада яшаш руҳингни янада тушириб юборади. Давлатимизнинг бу ғамхўрлиги оиламизга нур олиб кирди, тушкунлик ариди. Бунинг учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Тадбир доирасида ногиронлиги бўлган фуқаролар ўзлари яшайдиган яқин ҳудуддаги корхона-ташкилотларга касаначилик, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилди.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида 32 хонадонга мўлжалланган 4 қаватли Ёшлар уйи фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг Иттифоқ маҳалласида барпо этилган уйнинг қурилишига 4 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланган.

Ёшлар уйи мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, фаолияти давомида тенгдошларига ўрнак бўлган, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган, уй-жойга эҳтиёжи бўлган ёшларга берилди.

– Уй-жойли бўлиш инсон ҳаётидаги энг муҳим ва унутилмас воқеалардан бири, – дейди Элёр Норпўлатов. – Мен бугун оилам билан ана шу бахтга эришдим. Давлатимизнинг бу ғамхўрлиги мени ватанимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилишга, янада фаол бўлишга ундайди.



Сирдарёлик қурувчилар юртимизда кенг нишонланган Қурбон ҳайити ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги байрами муносабати билан вилоятнинг чекка ҳудудларидан бири – Ховос тумани аҳлига ажойиб совға тортиқ қилдилар.

## Жоме масжиди кўркам бинода



Гап шундаки, туман ҳудудидаги энг катта намозгоҳ, 1956 йилда қурилган «Ховос» жоме масжиди кейинги пайтда жуда абгор аҳволга тушиб қолган эди. Шу сабабли Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят адлия бошқармаси, Ховос тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоят вакиллиги ҳамда бир қатор ҳомий ташкилотлар ташаббуси билан қисқа муддатда мазкур масжиднинг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, туманнинг «Бунёдкор» маҳалласида қад ростлаган янги масжид 1000 нафардан зиёд намозхонга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ибодат қилиш учун келганларга барча қулайликлар яратилган. Таҳоратхона, кутубхона, қишда иситадиган, ёзда эса совутадиган мосламалар билан таъминланган намозхоналар мўмин-мусулмонлар хизматида. Иккита баланд минора ва кўзга яққол ташланадиган мовий гумбазли масжид биносининг ички қисмлари миллий услубдаги нақшлар ёрдамида безатилган. Масжиднинг кенг ва ёруғ намозгоҳи ичкарисидаги ёғоч устунлар ҳам мустаҳкам таянч, ҳам дизайн унсури вазифаларини бажариб турибди.

Масжиднинг очилиш маросимида иштирок этган нуронийлар унинг бунёд этилишида ўз ҳиссасини қўшган мутасадди ва ҳомийлар ҳақига дуолар қилдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Қарор ва ижро

## Янги ўқув йили – янгиланган мактабларда

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, мамлакат келажаги бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб камол топишларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Буни Андижон вилояти Булоқбоши туманида фаолият кўрсатаётган 11-санаторий типидаги мактаб-интернатида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Мазкур таълим даргоҳи ўтган асрнинг 60-йилларида бунёд этилган бўлиб, унда вилоятдаги сил касаллигига чалинган беморларнинг фарзандлари ўқишади. Маълумки, сил юқумли касалликлар сирасига киргани боис, кимдир бу дардга чалиниши биланоқ оиланинг қолган аъзолари, хусусан, мактаб ёшидаги ўсмирларнинг саломатлиги қаттиқ назоратга олинади ва махсус мактаб-интернатларига жойлаштирилади. 410 ўқувчига мўлжалланган ушбу мактаб-интернатида 2017-2018 ўқув йилида 368 нафар ўғил-қизга таълим берилган.

– Истиқлолимизнинг 27 йиллиги аҳил жамоамиз аъзолари учун қўшалоқ байрам сифатида тарих саҳифасидан жой оладиган бўлди, – дейди мактаб-интернати директори Нодирбек Сотволдиев. – Бунинг сабаби, Президентимизнинг жорий йилнинг 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони ва «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий бюджетдан муассасамизга 5 миллиард 68 миллион сўм маблағ ажратилиб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бош пудратчи Козимжон Нурматов раҳбарлигидаги «Бунёдкор транс сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа вақт оралиғида таълим масканимизнинг ўқув ва ёрдамчи биноларида бир қатор қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Хусусан, биноларнинг том қисмлари янгиланиб, замонавий эшик ва ромлар ўрнатилди. Электр, сув, иссиқлик тармоқлари яхшиланди. 410 ўринли ётоқхона ва ошхона ҳам барча қулайликларга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, мактаб-интернатимиз тамомила янги қиёфа касб этди.

Тумандаги инглиз тили ҳамда математика фанларини чуқур ўзлаштиришга ихтисослаштирилган 43-умумтаълим мактабига ҳам «Обод қишлоқ» дастури доирасида маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 миллиард 220 миллион сўм маблағ ажратилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мактаб директори Файзулло Бувайматов берган маълумотга кўра, 320 нафар ўқувчига мўлжалланган ушбу таълим даргоҳи биноси фақат 2009 йили жорий таъмирлашдан чиқарилган. Шу боис, мактаб биносининг ички ва ташқи тарафлари замон талабига мутлақо жавоб бермай қолган эди. Эндиликда таълим масканининг ташқи ва ички тарафлари замон талаблари даражасида таъмирланиб, янги ўқув йилига шай ҳолатига келтирилди. Бош пудратчи «Зафар ХАУС» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорларининг фидокорона меҳнат натижаларидан нафақат мактаб жамоаси, балки кўпчилик ота-оналар ҳам мамнун бўлмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида Фарғона вилоятида 32 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 54 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

«Обод қишлоқ» дастури асосида эса вилоятда 33 та таълим масканида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Янгиланган ушбу таълим муассасаларида ўқувчиларнинг замонавий билим олиши учун барча шароит яратилган. Шунингдек, 13 та умумтаълим мактабида замонавий спорт зали бунёд этилди.

Қўқон шаҳридаги 15-умумтаълим мактабида ҳам 2 миллиард 300 миллион сўмга яқин маблағ эвазига капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ўқувчиларга янги ўқув йилида янада қулай шароитлар яратилди. Бунёдкорлик ишлари «Бинокор Отабек» хусусий корхонаси томонидан амалга оширилди.

– Мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор туфайли фарзандларимиз барча қулайликларга эга билим масканларида таълим-тарбия олмоқда, – дейди мазкур мактаб директори Шаҳло Расулова ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Бу бизнинг муассасада олиб борилаётган амалий ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. 1000 нафардан зиёд ўқувчи таълим оладиган мактабимиз бутунлай янги қиёфа касб этганидан ота-оналар ҳам ғоят хурсанд.

Мактабда 4 қаватли ўқув биноси, ошхона, ичимлик суви ва электр тармоқлари, ички йўлаклар, яшил хиёбонлар замонавий талаблар асосида янгиланди. Билим даргоҳининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.

Янги ўқув йилида 90 нафар ўғил-қиз мазкур мактабнинг 1-синфига қадам қўяди. Уларга илк сабоқ қулай шароит ва муҳитда бўлиши учун синфхоналарни жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, чет тилларни ўқитиш учун кўргазмали воситалар тайёрланди. Болаларнинг дарс жараёнига тез ва осон мослашиши учун барча шароит ҳозирланди.

## Хоразмда сайёҳлик маркази очилди

Хива – Хоразм воҳасининг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, ўрта аср шарқ меъморчилигининг тенгсиз жавоҳири ҳисобланади. Унинг афсонавий гўзалликларини кўриш мақсадида Хива шаҳрига ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюрмоқда.



Сайёҳлар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши соҳа ривожидаги амалга оширилиши назарда тутиладиган ишлар ҳажмини кенгайтириш ва такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Меҳмонларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида воҳанинг сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган жойи – «Ичан-Қалъа» ҳудудидаги тарихий бинолардан бирида Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти ташаббуси билан маълумотлар маркази фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизматининг хабар беришича, мазкур марказда «Ичан-Қалъа»га ташриф буюрувчи сайёҳларга уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, бу ерга келган туристлар темир йўл ва авиачипталар, меҳмонхоналардаги номерлар нархлари ҳақида маълумот тўплаш ҳамда уларни банд қилиш, ресторан, кафелар, барлар, ана шундай жойларда ташкил этиладиган хизмат турлари, Хива ва Урганч шаҳарлари туристик хариталари, такси, гид хизматлари буюриш, вилоятда ўтказиладиган маданий-кўнгилочар тадбирлар билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Маълумотлар департамент мутахассислари томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилади.

**Ўз мухбиримиз.**

Президентимизнинг жорий йил 18 июлдаги «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳолининг шинам турар жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасидаги ишларни юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

## Хўжаободда 500 та замонавий уй-жой қурилади



Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Боғишамол даҳасида 500 та арзон уй-жой қурилиши бошланди.

– Айни кунларда бунёдкорлар ҳудудда 20 та уй-жойнинг қурилиш ишларига киришди, – дейди вилоят «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр» давлат корхонаси Андижон шаҳар филиали раҳбари Дилмурод Тўланов. – Мазкур уйлар замонавий меъморчилик андозаларига мувофиқ бунёд этилмоқда. Уйларнинг мустаҳкам, зилзилага бардошли, шинам, иситиш-совутиш тизимлари мукаммал бўлишини таъминлаш қурувчи-муҳандисларнинг асосий эътиборида.

**Суратда:** қурилиш объектида.

**Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар.**



Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари янги хизмат уйларига эга бўлишди.



*Мирзо КАРИМ*

## Ўзбекистон – янги Ўзбекистондир!

Юртин азиз билган, азиз инсондир,
Умрининг ҳар они шарафли ондир.
Келажаги порлоқ эй халқим қутла,
Бу тонглар тилакдан яралган тонгдир!
Ўзбекистон – янги Ўзбекистондир!

Ярашгай дунёга яраш-ярашлар,
Биз тинчлик жангчиси эзгу-курашлар,
Дунёни лол этмиш дунёқарашлар,
Элу элатларга содиқ дўстондир!
Ўзбекистон – янги Ўзбекистондир!

Қишлоқлар тенглашар гул шаҳар билан,
Ўғил-қиз қайтмоқда чўнг зафар билан,
Кунлари ҳуррамдир хуш хабар билан,
Ботир фарзандларин қуввати шондир!
Ўзбекистон – янги Ўзбекистондир!

Четда турма элдош эврилиш фурсат,
Мард бўлиб майдон тут, ношудга хилват,
Ўзи қўллаб турсин ўзингни кўрсат,
Шаҳдинг ила олам нигоҳин ёндир!
Ўзбекистон – янги Ўзбекистондир!

Муносабат

# Истиқлол – буюк неъмат

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги мени шахсий ҳаётимда унутилмас санага айланди. Чунки давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 10 августдаги «Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени билан тақдирландим.



Бундай қувончли лаҳзалар инсон ҳаётида камдан-кам содир бўлади. Шу боис, хушхабар нафақат мени, балки 2 200 нафар киши меҳнат қилаётган корхонамиз жамоасини тўлқинлантириб юборди, десам асло муболаға бўлмайди.

Президентимиз томонидан узоқ йиллик меҳнатларим эътироф этилгани ва давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганимнинг яна бир ўзига хос рамзий маъноси бор, деб ўйлайман. Маълумки, корхонамизда кўплаб миллат вакиллари, жумладан ўзбек, рус, қирғиз, тожик, корейс, уйғур, турк каби эл-улус вакиллари бир оила аъзоларидек, аҳил ва иноқликда меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилиги ҳаттоки қуда-анда бўлиб кетишган. Масалага бу жиҳатдан ёндашганда, «Дўстлик» ордени нафақат менга, балки кўп миллатли корхонамиз ишчи-хизматчиларига Юртбошимиз томонидан берилган юксак эътироф ва ишонч демакдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, корхонамизда мавжуд 5 та асосий ҳамда 9 та қўшимча цех босқичма-босқич модернизация қилинмоқда. Бу эса корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш ҳамда халқ хўжалиги маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби давлатларда ҳам талаб ортишига хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида корхонамизни ёрқин келажак кутаётганини англатади.

Эришилаётган барча ютуқлар, натижалар, буларнинг бари истиқлол туфайли, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг меваси. Мустақиллик шарофати билан эл-улусларимиз ўртасидаги қон-қардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб, тинч-осуда ҳаёт гаштини сурмоқдамиз. Илоҳим, ҳуррият қуёши абадий порлаб, тинчлигимиз ва аҳиллигимизга кўз тегмасин, у янада мустаҳкам бўлаверсин!

**Ёдгорой ЮСУФЖАНОВА,**
**«Кварц» акциядорлик жамияти Стратегик ривожлантиришни режалаштириш бўлими бошлиғи.**

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Самарқанд давлат университетида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.



# «Қатағон қурбонлари хотираси» музейлари очилди



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори Б. Ҳасанов, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Р. Қобилов ва бошқалар Ватанимиз мустақиллиги ҳамда тинчлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини абадийлаштириш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам шу мақсадга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

– Юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилганлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг мардлиги ва жасорати ҳақида ёш авлодга таъсирчан маълумотлар етказиш муҳим вазифамиз ҳисобланади, – дейди музей директори Суюн Каримов ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасанов билан суҳбатда. – Музейни ташкил этишда белгиланган низом талабларига эътибор қаратилди. Хусусан, маърифатпарвар, халқпарвар аждодларимизнинг эл-юрт озодлиги, халқни маърифатли қилиш борасидаги машаққатли меҳнатлари ҳақида кенг маълумотлар тўпланди. Тарихий ҳужжатлар, ашёлар жамланиб, музейдан ўрин олди.

Музейда «Ўрта Осиё (Туркистон)нинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши ва маҳаллий халқнинг бунга қарши кураши, Самарқанднинг босиб олиниши (1868-1900)», «Миллий уйғониш ҳаракати, унинг намоён бўлиши ва амалий йўналишлари (1901-1917)», «Туркистон мухторияти ҳукумати тугатилиши ва совет давлатида қатағон сиёсатининг бошланиши (1917-1924)», «1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар», «1940-1950 йиллардаги қатағон сиёсати», «Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар (1991 йилдан кейинги давр)» каби 8 бўлим мавжуд.

Уларда мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида рўй берган ҳодисалар, ушбу даврда Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон қурбон қилган, қатағон этилган аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида атрофлича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ушбу даврларга оид суратлар ва турли буюмлар музей экспонатлари қаторидан жой олган.

# Юксак ислоҳотлар рўёбига барчамиз шоҳид

Мустақиллик – халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами. Уни халқимиз, ҳар бир фуқаро ва соҳа ходими яхши ниятлар билан кутиб олади. Ўтган 27 йил мобайнида амалга оширилган ишлар шу қутлуғ сана билан боғлиқ. Биргина миллий армиямизнинг ташкил этилиши ва уни такомиллаштиришдаги ислоҳотлар рўёбига бугун барчамиз шоҳидмиз.

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда шу тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига эътиборнинг кучайтирилиши ҳам истиқлол берган имкониятлардандир.

Шу маънода айтиш керакки, Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини ошириш ҳамда Қуролли Кучларимизни янада мустаҳкамлаш муҳим устувор йўналишлардан бири экани белгилаб берилган.

Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси, уларнинг оила аъзолари соғлиғи ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Янги уй-жойлар билан таъминланиши, уларга уй-жой, автомобиллар сотиб олиш учун кредит берилиши, ҳарбийларнинг фарзандлари олий ўқув юртида таълим олиши учун квоталар ажратилиши шулар жумласидандир.

Ҳарбийлар ва улар оила аъзоларининг саломатлиги муҳофазаси ҳам бундан мустасно эмас. Ҳарбий госпиталь, поликлиника ва санаторияларда яратилаётган шарт-шароитлардан ташқари, ҳар йили Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорлари томонидан узоқ гарнизонларда жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилувчи офицер ва сержантлар оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиши бўйича муайян тизим шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг 28 июль куни Марказий ҳарбий клиник госпиталимизга ташрифи биз учун ғурур-ифтихор бўлиши билан бирга, ҳар бир ишимизни сидқидилдан адо этишда янада катта масъулият юклади.

Тошкент ҳарбий госпитали 1869 йилда ташкил топган бўлиб, у 149 йиллик тарихга эга. Ҳозирги кунда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали мақомига эга бўлган ушбу тиббий муассаса ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, истеъфодаги ҳарбийлар учун асосий шифо маскани ҳисобланади. Бу ерда бир йилда ўн минг нафарга яқин бемор даволанади ва уч минггга яқин жарроҳлик амалиёти амалга оширилади. Ҳарбий хизматчиларимизни даволаш учун юзга яқин шифокор ва 350 дан зиёд ҳамшира жалб қилинган.

Госпиталимиз чиндан ҳам ўзининг тарихига эга. Бу ерда қанчадан-қанча тажрибали шифокорлар ҳарбийлар саломатлигини тиклаш йўлида хизмат қилган. Учрашув чоғида давлатимиз раҳбари учун ҳам бу манзил муқаддас эканини билдик ва бу бизни янада ҳаяжонлантирди.

Учрашув чоғида Президентимиз янги госпиталь бунёд этиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу жараёнда қўйиладиган талаблар, унда иш олиб бориш қай тарзда амалга оширилиши ҳақида Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбар ходимларига кўрсатмалар берди.

Президент ҳарбийларимиз жаҳон стандартларига мос шифохонада даволаниши, госпиталь бошқарувига янги механизм – давлат-хусусий тадбиркорлиги шаклини киритиш лозимлиги, замонавий, энг янги асбоб-анжомлар билан жиҳозланган, дунёнинг етакчи клиникаларига мос равишда ишлай оладиган шифохона барпо этишимиз зарурлиги ҳамда бу шифохонада ҳарбий врачлар билан бир қаторда хорижлик тажрибали, юқори малакали шифокорлар фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Янги госпиталь барпо этилишига қўйилган эзгу қадам ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига бўлган юксак ғамхўрлик ифодасидир. Шу билан бирга, Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорлари, ишчи-хизматчилари ҳарбий муассаса фаолиятини тубдан янгилаш йўлида амалга ошираётган хайрли ишлари учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз. Бундай эътибор биз, ҳарбий шифокорларга кўтаринки кайфият ва шижоат бағишлайди. Ўз ўрнида биз ҳам тез кунларда бунёд этиладиган янги госпиталь Ўзбекистондаги ҳар жиҳатдан нуфузли шифохоналардан бирига айланиши учун бор куч ва ғайратимизни аямаймиз.

**Улуғбек РАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош жарроҳи.**

Қуролли Кучлар давлат музейида мустақиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан «Энг улуғ, энг азиз» номли фото кўргазма ўтказилди.

# Суратларда акс этган жасорат

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар иштирок этган тадбирда тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Кўргазмада Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият юритувчи ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, профессионал ва ҳаваскор ижодкорларнинг портрет, пейзаж ва фоторепортаж йўналишларида тақдим этган ишлари намойиш қилинди.

Мамлакатимизнинг гўзал ва сўлим гўшалари, юрт тинчлиги учун хизмат қилаётган ҳарбийлар ҳаёти, замонавий қурол-яроғ ва техникалар, жанговар қобилияти, тезкор тайёргарлиги юқори соҳа заҳматкашларининг қиёфаси акс этган суратлар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Ташкилотчилар томонидан фаол иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузурида ҳам «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилди.



XIX асрнинг иккинчи ярмидан мустақиллик йилларигача бўлган даврга оид экспонатлар жамланган музей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди.

– Музей фондини бойитиш мақсадида университетимиз профессор-ўқитувчилари, докторант ва талабаларидан иборат гуруҳлар ҳудудларга экспедицияга юборилди, – дейди музей директори Алишер Қудияров. – Музейда 1873 йил – Қорақалпоғистон ҳудудининг босиб олиниши давридан бошлаб, халқимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни акс эттирувчи экспонатлар жой олган. Бу ерда бўлган ёшлар нафақат ўтмишнинг қалбларни ўртовчи қора кунлари ҳақида маълумотга эга бўлади, балки уларда мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш туйғусини юксалтиради.

Музейнинг охирги бўлимида мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар намойиш этилади.

**Есимхон ҚАНОАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ҳарбийлар оилаларига янги уйлар

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги чегарачилар ҳарбий шаҳарчасида 24 хонадонга мўлжалланган икки қаватли янги уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ватан ҳимоячилари, ҳокимият, қурувчи ташкилот, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз томонидан миллий армиямизнинг жанговар қудратини ошириш билан бирга, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари учун муносиб моддий, коммунал, маиший шароитлар яратишга катта эътибор берилаётгани таъкидланди. Замонавий меъморий услубда бунёд этилган икки ва уч хонали хонадонлардан иборат янги уй ана шу эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

– Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида янги уйга эга бўлганимиздан беҳад хурсандман, – дейди сержант Бахтиёр Исмоилов. – Икки хонали замонавий жиҳозланган уйда оиламиз учун барча қулайлик бор. Давлатимизнинг бу ғамхўрлиги менинг ва сафдошларимнинг жанговар, руҳий тайёргарлигини янада оширади. Мен бу ғамхўрликни Ватанимга, халқимга ва Президентимга содиқ хизмат қилиш билан оқлайман.



Бадиий жамоалар томонидан намойиш этилган концерт дастури уй тўйларида иштирок этаётганларга яхши кайфият улашди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ҳам янги хизмат уйларига эга бўлишди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан миллий армиямизни замонавий техника ва янги қурол-аслаҳа билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимининг қайта кўриб чиқилгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Бу жараёнда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча шароитларга эга янги уй-жойлар билан таъминланмоқда.

Термиз шаҳрида барпо этилган 32 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун зарур қулайликлар яратилди.

– Янги уйда барча шароит мавжуд, – дейди катта лейтенант А. Амиров. – Меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар замонавий жиҳозланган. Бу ердаги қулайликлардан айниқса, турмуш ўртоғим ва фарзандларимиз жуда хурсанд. Ватан олдидаги хизмат бурчимизни шараф билан бажариш учун бизга шундай шароитлар яратиб бераётган давлатимиздан беҳад миннатдормиз.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Б. Пўлатов сўзга чиқди.

**ЎзА мухбирлари.**

Газетанинг навбатдаги сони 7 сентябрда чиқади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари – **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи – **Эркин Усмонов**
Мусаҳҳиҳ – **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** (90) 278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** (90) 720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** (93) 466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-807.
2242 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов
**Навбатчи** – А. Турсунов
ЎзА якуни – 23.15. Топширилди – 01.30.
12345